

Ш. АЮПОВ, А. ҚОДИРОВ

# ОИЛА ИҚТИСОДИНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА  
ИНСТИТУТИ

---

Ш. АЮПОВ, А. ҚОДИРОВ

**ОИЛА ИҚТИСОДИНИ  
БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ  
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА  
ЎТИШ**



Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси «Фан» нашриёти  
Тошкент – 2019

**УО`К 34(035.3)(575.3)**

**КВК 67.99 (5У)**

T-56

Ш. Аюпов, А. Қодиров.

Оила иқтисодини бошқариш орқали рақамли иқтисодиётга ўтиш.

- Т.:«Фан» нашриёти, 2019. -108 б.

Оила иқтисодини бошқариш орқали рақамли иқтисодиётга ўтиш фанда ўрганилмаган соҳа бўлиб, муаллифлар мазкур монографияда жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳодиса ва воқеалар асосини оила иқтисоди ҳолатидан ёки унга хизмат қилиш даражасидан излаш кераклигини таҳлил этишган. Унинг мақсад-моҳияти 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган: “агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қучли бўлади”, – деган тамоийлга амал қилиб, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш орқали ҳалқни бой қилиш ҳамда кучли давлатни барпо этишга қаратилган.

Монографиянинг қиёсий таҳлилига кўра инсон омили устувор бўлган янги ўзбекистонда эҳтиёжманд оила иқтисоди барқарорлигини таъминлаш орқали туб бурилиш тараққиётининг истиқболларини белгилаш ҳамда оила гендерини мустаҳкамлаш асосий вазифа сифатида кенг китобхонлар дикқатига тавсия этилмоқда.

### **Масъул муҳаррир:**

**Гуломов С. С.** – Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор.

### **Тақризчилар:**

**Бекмуродов А. Ш.** – иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси директори.

**Раймова Г. М.** – физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФА В. И. Романовский номидаги Математика институти етакчи илмий ходими.

**ISBN 978-9943-19-518-9**

© Ш. Аюпов, А. Кадиров.

Монографияни Ўзбекистон Республикаси ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти илмий кенгашининг 2019 йил 19 июндағи қарори билан нашр этишга рухсат берилган.

---

*Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишишимиз керак.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

### **МУҚАДДИМА**

Жамиятни модернизация қилиш ва инновацион лойиҳалар асосида демократик ислоҳотларни амалга ошириш – иқтисодий сиёсатимизда инсон омили устувор бўлиб, келажагимиз бунёдкорларини бугундан тарбиялаб боришимиз зарур! Мазкур тадбирларнинг кенг жабҳасини ўзида акс эттирган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “**агар ҳалқ бой бўяса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади**”, – деб кўрсатилганки, бу миллий ғоя амалга ошириш лозим бўлган тадбирларимизда бош тамойил бўлиб ҳисобланади. Жумладан, 2019 йилнинг **«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланишишиши**» деб эълон қилиниши давлатимизнинг муҳим сиёсатида аҳоли, унинг фаол ижтимоий гуруҳи тимсоли – оила иқтисодини мустақил равиша камол топтириш устувор мақсад бўлиб қолади!

Инсониятни юксак тараққиётга элтувчи космосни ўзлаштириш, нанотехнологиялар ва ҳатто сунъий онгнинг яратилиши ҳам илмий кашфиёт сифатида қайд этилса-да, кичик, аммо асосий ҳужайра бўлмиш оила иқтисодига хизмат қилмаса, самарадорлиги жуда паст бўлади. Чунки ҳар бир ишнинг дебочаси ҳам, унинг натижадорлиги ҳам инсон билан узвий боғлиқ бўлади. Яратувчи ҳам, истеъмолчи ҳам инсон ва унинг оиласидир. Унинг иқтисодий бутлиги ҳамда илмий-ижтимоий салоҳияти юртнинг истиқболли равнақини белгилайди. Демак, жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи ҳар қандай ҳодиса ва воқеаларнинг асосини оила иқти-

соди ҳолатидан ёки унга хизмат қилиш даражасидан излаш керак!

Оила иқтисодини, айниңса, эҳтиёжманд оиласларни бошқариш ва уни рақамли иқтисодиётга асос қилиб олиш фанда ўрганилмаган соҳа бўлиб, муаллифлар жамиятни кичик оила шаклида тафқур қилиб, ундаги камчиликларнинг бартараф этилиши макроиқтисод ривожланишини белгилайди, деган тамойилда фалсафий-хуқуқий мушоҳада юритишади. Монографияда оила иқтисодини мустаҳкамлаш орқали макроиқтисодни ривожлантириш ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида маълумотлар йиғиш, уларни танқидий таҳлил қилиб, хулоса ва таклифлар бериш, олинган топшириқлар ижросини “Ҳар бир оиласдан – давлат раҳбаригача” узатиш тизимини яратиш мумкинлигини илмий асосланган ҳолда амалиётта татбиқ этиш йўлларини кўрсатиб бериш асосий мақсад қилиб олинган.

Монографияда учта иқтисодий-ижтимоий масаланинг долзарблиги асосланган:

1. *Оила иқтисодини самарали бошқаришнинг макроиқтисодий масалалари.*

2. *Макроиқтисодиёт ва эҳтиёжманд оила иқтисодидаги маевжуд камчиликлар ва уларни бартараф этишда тижорат банклари тизимида тузиладиган доимий молиялаштириш манбаси ҳисобидан 0-5 фоизгача кредит бериш орқали масалаларни ҳал эта бориш.*

3. *Оила иқтисодий-ижтимоий ҳаёти борасида йигилган маълумотларни тармоқлар кесимида ташкил этилган (ёки режалаштирилган) ахборотлар базасига киритиб, пастдан юқорига “Ҳар бир оиласдан – давлат раҳбаригача” дастури асосида рақамли иқтисодиётга ўтишнинг ижросини таъминлаш зарурати ва йўллари кўрсатиб берилган.*

Оиласнинг иқтисодий даражасини белгиловчи иккита сабаб бор. **Биричиси**, Яратган томонидан оиласнинг ризқи ва толеи белгиланган: бирорга кенг ва бошқасига тор қилиб берган. **Иккинчиси**, муҳтарам Президентимиз таъкидига кўра, бокувчисини ўйқотгандар (оиласлар)ни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш айни муддао эканлиги эътироф этилади. Умуман эҳтиёжманд оиласларга узоқ муддатли, ҳатто “0” фоизда кредитлар ажратиш ҳам давлатимиз салоҳияти ва эътиборидан келиб чиқади. Демак, эҳтиёжманд оила иқтисодини самарали тарзда бошқариш давлат ички

сиёсатида мұхым масала бўлиб, унинг амалий натижаси белгиланган тадбирларнинг бажарилиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

**Оила – жамиятнинг дебоча, таянч нуқтаси.** У қанчалик мустаҳкам бўлса, макроиктисодиётга сарфланган маблағлар юқори самарадорликка эга бўлиб, жамият жадал суръатларда ривожланиди. Оила муаммоси масаласида кичик, эътибордан четда қолдирладиган ҳолат бўлмаслиги керак. Яъни четдан қаралганда, «ҳар бир оиласинг ўз хоҳиши» деган салбий ҳолат жамият миқёсида қанчалик зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўрайлик.


Иқтисодий камчилик бир оиласда бўлса, қариндош-урӯғ маҳалла аралашиб тезда тузатса бўлади. **Лекин кўп йиллар давомида камчиликлар эътибордан четда қолиб, арифметик прогрессияда жамият бўйлаб тарқалса-чи?** Унда бу камчилик умумдавлат муаммосига айланади! Мамлакатимиз раҳбари сўнгги 3-4 йилда кўп маротаба таъкидлаган ҳамда макроиктисодиёт учун ҳал этилиши устувор бўлган корхона-ташкилотлар ўртасидаги ўзаро қарздорликларнинг ўсиб бориши, давлат ва маҳаллий бюджетлар тушумларининг ўз вақтида тушмаслиги ҳамда **инфляциянинг белгиланган параметрлардан юқори бўлишининг асл сабаби** – оила иқтисодидан бошланиши кўрсатиб ўтилмоқда.

Аҳоли сони ва ўртача гурухланиш кўрсаткичлари асосида ҳисобланганда мамлакатда 8,3 миллиондан ортиқ оила мавжуд<sup>1</sup>. Улар иқтисодини бошқариш, янги даромад манбаларини яратиб бериш орқали молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш каби кўплаб вазифаларни бажариш умумижтимоий, аникроқ айтганда, ижтимоий-сиёсий тадбирdir. Ушбу вазифаларни амалга ошириш: ҳуқуқий асос яратувчи муҳтарам Президентимизнинг Фармойишлари, Фармонлари ва Қарорларининг эълон қилиниши; арzon ва тез фойдаланиши таъминланадиган молиявий манбанинг топилиши (ҳисобланиши); даромадини ошириш учун ҳар бир оила билан зарурий тадбирларни бажариб, уларнинг натижадорлиги мониторингини ўтказиб, кундалик маълумотларни Ҳукумат порталига киритиб боришни таъминлаш учун юқори сифатига эга бўлган ахборот технологияларидан фойдаланиш талаб этилади. Бундай имконият давлатимиз

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи. 2018 йил, 18 май.

раҳбарининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>1</sup> билан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун «блокчейн» технологияларидан кенг фойдаланиш вазифаси яратиб берилмоқда. Оила иқтисодини бошқариш макроиктисодий масала бўлганлиги ҳамда Президентимиз иқтисодиётни рақамлар билан бошқаришга ўтиш вазифасини қўйгани, яъни уларнинг бир бутун ҳолда ишлаб чиқишини талаб этади. Иккала вазифа ҳам иқтисодий фанда янги бўлганлигидан, уларнинг назарий асослари тўғрисида кенгроқ мушоҳада юритиш керак.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнларида илмий ишланмаларнинг амалий тадбиғи зарурлиги ҳамда масаланинг назарий асослари келажақда ўнлаб илмий ишларда батафсил ёритилишини инобатга олиб, муаллифлар иккала масаланинг жамият тараққиётидаги ўрни ва уларнинг республикамиз танлаган муфассал иқтисодий ривожланиш йўлидан келиб чиқиб, шаклан ўзгаришини назарий жиҳатдан асослаган ҳолда уларни бир бутун, мужассамлашган шаклда иқтисодиётни рақамлар билан бошқариш концепциясини яратишни мақсаддага мувофиқ, деб биламиз.



---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2018 йил, 4 июль.

## **Оилавий инновацион лойиҳаларга оқ йўл**

Инсоннинг моддий ва маънавий ҳаёти ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдиради. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ёки фермерлик, ҳунармандлик ёхуд касаначилик фаолияти оқилона ва самарали ташкил этилиб, айниқса миллий иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган оилавий тадбиркорлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: «Энг катта баҳт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиласиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, баҳтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша баҳтли қунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!»<sup>1</sup>, – дея таъкидлаши ҳозирги пайтда Ўзбекистонда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. У иқтисодий жамиятнинг, шу жумладан, ҳар бир оиланинг фаровонлигида алоҳида ўрин тутади. Яъни иқтисодий фаровонлик юксаклиги – жамият ва оиланинг ижтимоий ҳаёти шаклланади. Демак, ҳалқимиз, оиласиз бойлиги, албатта, давлатнинг бойлиги ва қудрати бўлиб, айнан иқтисодий ўсиш шароитида одамларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги кучайиб боради. Шу жиҳатдан ҳозирги пайтда Республикаизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёsatнинг стратегик вазифаси сифатида қарамоқда!

Президентимиз мухтарам Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, ушбу йиллар мобайнида оилавий бизнес ва ҳунармандликни ривожлантириш борасида молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами

<sup>1</sup> <https://president.uz>

кенгайтирилди. Бунда ахоли томонидан ўз хонадонларида миллий хунармандлик асосида тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади ҳамда қўшимча даромад манбай яратилади, якка тартиbdаги тадбиркорликнинг ривожланиши қўллаб-кувватланади, мазкур соҳадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди. Демак, якка тартиbdаги тадбиркорларга ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш имкони берилади ҳамда уларни тасаруф этишдаги асоссиз чекловлар бекор қилинади.

Монографияда ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига асосланган ҳолда жамият тараққиётида оила иқтисодининг, айниқса, эҳтиёжманд оиласларга бўлган эътибор бирламчи омиллардан эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқарувчилари қаторида оила иқтисодининг негизи бўлган ҳусусий тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш борасида мақсадли бозорларни аниqlаш бўйича амалга ошириладиган ишларни янги босқичга олиб чиқиш лозим. Миллий тадбиркорлар учун ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга кенг йўл очилади. Чунки молиявий марказлашув кучайиб, ахборотлар оқими товэр ва хизматлар экспортига жиддий таъсир кўрсатаётган бугунги кунда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташқи бозорларни маркетинг ёрдамида ўрганиш усулини ривожлантириш орқали давлат томонидан оила иқтисодини қўллаб-кувватлашни янада кучайтиришни тақозо этади ва шу боис оиласларий бизнеснинг бу борадаги янги, замонавий ва самарали механизмини яратиш масаласи мақсад қилиб қўйилган.

Дарҳақиқат, муаллифлар ўз монографиясида жамият негизини оила ташкил этишидан келиб чиқиб, унинг иқтисодидаги мавжуд камчиликларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда макроиқтисодиётдаги номутаносибликларнинг келиб чиқиш сабаблари танқидий таҳлил этилиб, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари самарадорлигининг ортиши мумкинлиги мисолларда кўрсатиб берилган. Оиласларининг тинчлиги, баҳти, тўқислиги мамлакат фарованиелиги, осойишталиги демак.

Алоҳида қайд этиш керакки, монографияда кўтарилигган фикр иш муроҳазалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 марта даги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда замонавий намунали оила мезонларини жорий этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятига мос келади.

Монографияда келтирилган тавсия ва таклифлар, шу жумладан, иҳтиёжманд оиласлар, тадбиркорлик борасида етарлича тажрибага ша бўлмаган оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш ҳимда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан оила иқтисодининг тараққиётида самарали тарзда фойдаланиш, ишлаб чиқариш фаолиятини «Оила» маркази – оила институтини ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг натижалари амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, монографияда оила иқтисодида рақамли иқтисодиётнинг тамоилилари тўлиқ очиб берилмаган, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, оила иқтисодида рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим жиҳати, биринчи нафбатда, қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган муайян сиёсатни амалга ошириш ҳисобланади. Жумладан, оила иқтисодининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда инновацион фаолиятни юксалтириш, оиласлар тадбиркорликни ривожлантириш, оила иқтисодини миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга уйғунлаштириш, яъни инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланиш лозим бўлади. Демак, айтиш жоизки, оиласининг иқтисодий омили турар-жой шароитларининг қониқарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оиласи таъминламас-

лиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзларни узолмаслиги<sup>1</sup> каби муаммолар, албатта, ўз ечимини топиши керак.

Биз рақамли иқтисодиёт шароитида оила иқтисодини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини тўғри белгилашни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун, биринчидан, оила иқтисодининг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатидаги рақобатдошлигини ошириш ва моддий-молиявий ресурс салоҳиятини мустаҳкамлаш, иккинчидан, инсон капиталини равнақ топтириш, учинчидан, оила иқтисодини ривожлантиришнинг институционал шароитларини яратиш, тўртинчидан, рақамли иқтисодиёт жараёнларини самарали бошқариш ва мониторинг ўтказиш учун дастурий таъминотни яратиш керак.

Умуман олганда, мазкур монографияда таҳлилий жиҳатдан келтирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар оила иқтисодини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва бизнесни ташкил этишнинг муаммоларини самарали тарзда бартараф этишга муҳим ҳисса қўшади. Фикримизча, оила иқтисодини ташкил этиш, юритиш, фаровон ва тўқис ҳаёт кечириш, биргаликда фаолиятни олиб бориш ҳамда мустаҳкам оила яратишга қаратилган мазкур монографияни тадқиқотчилар учун муҳим илмий манба, деб эътироф этиш мумкин.

*Д. Е. Ташмуҳамедова – Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузури  
даги "Оила" илмий-амалий тадқиқот  
маркази директори, м. ф. н., Сенатор.*

## **I. БОБ. ОИЛА ИҚТИСОДИ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

### **1. Оила иқтисоди ва унга таъсир этувчи омиллар**

Иқтисодиёт қобиқланган жараён эмаски, ўзидан ўзи муҳайё бўлса, яъни уни ҳаракатлантирувчи куч-куввати ва яратилаётган ноз-неъматлар истеъмолчиси Ҳазрати инсонга қаратилган, албатта. Аҳолиси тинч ва осойишта ҳамда соғлом юртда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бунёдкорлик ишлари барқарор ривожланади. Лҳолиси, демак, оиласари тўқ ва фаровон бўлган мамлакатда яратилган маҳсулот тенг айирбошланади, тақсимланади ва муваффақиятли тарзда қайта тақсимланади. Дарҳақиқат, таъкидланган жараёнлар: **ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), айирбошлаш, тақсимот ва қайта тақсимот мужассамлашган, яъни бир бутун ҳолда иқтисодиётни ташкил этади.** Демак, бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда иқтисодиётнинг мўътадил ривожи аҳоли тинчлиги ва осойишталиги ҳамда саломатлигига боғлиқ бўлади.

Оила – саждагоҳ каби муқаддас даргоҳ. Унинг тўла-тўқис равшаник топиши иқтисодий омилларга бориб тақалади. Шу боис ҳам оила иқтисодиёт давлат миқёсидаги макроқтисодиётнинг узвий, бирламчи бўгини бўлиб, ундаги айрим камчиликлар охир-оқибат жамият ва давлат даражасида ўз аксини топади. Асосий муаммо ҳаражатларни ўз пайтида қоплай олмаслик бўлиб, ҳозирги кун талабига кўра, ушбу камчиликнинг тўлиқ ўрганиб чиқилмагани ҳамда бартараф этиш дастури ишламаганлиги аччиқ ҳақиқат бўлиб қолмоқда. Оила иқтисодини илмий мушоҳада қилганда кичик ёки катта масалалар бўлмайди. Аввало, оппонентларимизга маслаҳат берар эдикки, танқид қилишдан олдин кам таъминланган оила муҳитига бир назар ташланг. Қалбан ҳис қилинг-чи, бундай оила аъзоларига қанчалик қийин? Айниқса, болалар истиқболини Ватан келажаги билан боғлайлик. Болалик завқини айтмайлик ҳам. Қорни овқатга тўймаган, керакли витаминалар билан таъминланмаган боланинг онгу шуури қандай қилиб технологик ривожланган жамиятда ўз равнақи – борлигини намоён қиласди? Фараз қилинг, бугун биз уларга бефарқ бўлсак, эртага сон жиҳатдан кўпайиб, Ватанингизни ташлаб кетса-чи?!

Йўқ. Ватанпарвар ва инсонпарвар давлатимиз раҳбарияти ҳар бир оиланинг мустақил иқтисодини мустаҳкамлашга бугундан кирияпти. Сўнгги йилларда оила иқтисодини самарали бошқаришга салбий таъсир этувчи ҳолатларнинг бартараф этилиши учун давлат ва жамоатчилик томонидан доимий равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Масалан, маҳалладош ва қишлоқдошларимиз “ким ўзар” - га тўйлар қиляпти. Оилалар бир томон ўта бойиб, иккинчи томон қашшоқлашди. Буни кўриб, билиб турибмиз... Ёхуд хуфёна қимор ўйнаш, турли оғулардан истеъмол қилиш ва, айниқса, меҳмондорчиликни спиртли ичимликларсиз ўтказмаслик - бу мустақиллик эҳсони бўлмай, балки “кўринмас иллатлар”га айланганини рўйи-рост айтиш вақти келди. Улар эса, энг аввало, оилани секин-асталик билан иқтисодий инқизорзга олиб келса, кейинчалик ажралиш, яъни тарқалиб кетишига сабаб бўлмоқда. Охирги йилларда мазкур кўрсаткич қурилган оилалар сонига нисбатан 10 фоизга етди<sup>1</sup>. Хавфлиги шундаки, оилаларнинг тарқалиб кетиши кўрсаткичи 2018 йил 1 январгача 2014 йилнинг 1 январига нисбатан 2 фоизга ошган<sup>2</sup>.

Оила иқтисоди гарча бироз бўлса-да яхшиланиши учун ҳар қандай йўллар топилди, бироқ макроиқтисодиётда йўл қўйилган камчиликлар унинг яшаши учун “пинҳона кураш”га ўргатди. Масалан, солиқ турларининг кўплиги ва ставкасининг юқорилиги иш берувчилар томонидан маошни конвертларда беришни юзага келтирган бўлса, ўз раҳбарининг қаллоблигини кўрган ишловчи ходим оиласини нормал боқиши учун электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланишни, мазкур ташкилот масъул ходимлари билан тил бириткириб, электр ва табиий газ ҳақини тўламаслик ёки оз қисмини тўлаб қолганини ўчиритириб ташлаши йўлларини “ихтиро” қилди. Шунингдек, аҳоли даромадининг инфляция даражасидан паст даражада ошиши оила иқтисодида камомадни юзага келтириб, аҳоли унга кўрсатган хизматлар ва солиқларни тўлай олмаяпти. Натижада ўзаро “қарздорликлар занжири” пайдо бўлиб, уларнинг суммаси миллион сўмдан миллиардгacha ўсиб кетди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси томонидан 2018 йилда нашр этилган “Семья в Узбекистане 2013-2017” номли тўплам асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

<sup>2</sup> Юқорида келтирилган манбадан олинган ва муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Очиғини айтиш керак, электр энергияси ва газ ишлаб чиқарувчи, өнг мұхими ахолига етказиб беруучи ташкилотлар ўз товарларининг ҳақини вактида ололмай, моддий қийинчилік туфайли маңсулот етказиб беролмади. Республикализнинг алоҳида худудларида мавсумий электр энергияси ва газнинг ўчирилиши оқибатида Қизилқұм ва Қоракұм чүлларидаги саксовуллар ёқилғи сифатида ишлатилди. Лекин эрта баҳор ёки кеч кузда шамол билан үстимизга ёпирилиб келиб тұқылған құмнинг қаердан ва қандай найдо бўлиб қолганлигини тушунмадик. Шунингдек, оила иқтисодидаги етишмовчилик туфайли шифокор ва муаллимларимиздан күпчилиги дастлаб “бозорда савдо қылды”, уни эплай олмагандар иса жойларига қайтиб, касбий билимларини коррупция маинбаига айлантириди. Ушбу “ихтиро”лар натижаси ўлароқ ахоли орасида турли касаллукларнинг кенг тарқалди, фарзандларимизнинг билим савияси тушди, электр энергия ва табиий газ билан тағы минловчи корхоналарнинг айланма маблағлари етишмаган ҳолда, уларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари эскириб, ишдан чиқиш даражасига келиб қолишига сабаб бўлди.

Даромад ва харажат мутаносиблиги нафақат давлат бюджети тамойили, балки оила иқтисодини бошқаришнинг ўзак магаласи ҳисобланади. Доно халқимизнинг “даромадга қараб буромад” ёки “үчоқ бошидаги сарышталик – бойликнинг дебочаси” деган күплаб мақолларини биламиз-у, лекин шунга риоя этмаймиз ва натижада ҳаётдан нолиймиз. Халқимизнинг “Күн күрмаган кундуни чироқ ёқар”, – деган мақоли замирида ҳаётта зәтибор қаратилманыптыми? Иқтисодий жиҳатдан ўзига тұқ оила бўлар-бўлмасга чироқ ёқмайди, сув бекорга оқмайди, ҳатто рўзғоридан чиқынди кам чиқади. Чунки иқтисод қиласи! Олган даромадига кўра харажатини ҳисоблаб, мумкин қадар кам сарфлайди. Лекин озиқ-овқат харажатларини сира камайтиrmайди. Натижада болаларини яхши овқатлантиради, кийинтиради, ўқитади ва кейинчалик набирала-ри билан қарилек гаштини суреб юради.

Бизда-чи? Айрим ҳолларда маҳалла-куй кўрсин, эшитсин деб бебаҳо тўйлар қиламиз, данғиллама иморатлар соламиз. Лекин фарзандимиз ёки набирамизнинг дунё билимларини қай дара-жада ўрганишига зәтибор бермаймиз? Баъзан “Менинг болам беш баҳода ўқийди” ёки “Болам компьютерни яхши билади”, – деб

мақтанамиз. Лекин билмаймизки, баҳо нисбий кўрсаткич, боламиз компьютерни фақат биздан-да яхши билади, холос. Шу ҳолда боламизни маҳсус фанлар мусобақаларига тайёрладикми, уни фаннинг қайси йўналишига кўпроқ қизиқишини аниқладикми? Афсуски, бошқа ўнлаб саволлар жавобсиз қолмоқда.

Қайд этилган салбий сабаблар ва жавобларнинг барчаси инсон онги, тафаккури ва маънавиятига боғлиқ. Ўзбекистоннинг туб бурилиш палласида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва ҳукуматимиз томонидан ушбу иллатларнинг олдини олиш ва жамиятда инсон омилини тарбиялашга жиддий эътибор қаратилиб, китобхонликка даъват, мактабгача тарбия, пухта билим олишга ва спортга бўлган қизиқиши моддий рағбатлантириш каби ўнлаб тадбирлар инсон камоли, оила келажаги ва иқтисодини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг оила иқтисодини бошқаришдаги дастлабки саъй-ҳаракатлари, яъни харажатларни муқобиллаштириб, бола тарбиясига ва соғломлаштиришга, ўқиш ва ўқитишга, спорт ва мусиқага ҳамда компьютер технологиясини ўрганишга қаратилганки, бу нафақат бир оила мисолида, балки жамият миёсида самарадор бўлиб, келажакда Ўзбекистонимизни жаҳонга танишга қаратилган бўлади.

Харажатни қопламаслик, аввало, даромаднинг камлигига боғлиқ бўлади. Уни қўпайтириш мақсадида давлат томонидан эҳтиёжманд оиласаларни тадбиркорликка жалб этиш учун имтиёзли кредитлар бериш тадбирлари 2016 йилнинг декабридан бошланган эди. Ўнлаб триллион сўм сарфланди. Бу айнан ўта зўр тадбир эди. Уларнинг қанча самара берганлиги аниқланмади,<sup>1</sup> зудлик билан таҳлил этилиб, оила истиқболи, айниқса, эҳтиёжманд оиласалар кесимида чора-тадбирлар кўрилдими? Бироқ эҳтиёжманд оиласалар умуман этибордан четда қолди. Демак, жойларда ҳар бир оила иқтисодини мувофиқлаштириш тизимли равишда ташкил этилмади. Мисолларга мурожаат қиласайлик. 2017 йил декабрь ва 2018 йилнинг январь ойларида Хоразм, Андижон ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида

<sup>1</sup> Банк тизими фаолиятида аниқланмаган кўрсаткичлардан бири. Бизнингча, унинг аниқланиши билан тижорат банкларининг макроиктисодиётдаги ўрнига тўғри баҳо берса бўлади.

*иқтиёжманд оилаларга берилган кредитлар ҳақида танишганимизда, қуидаги салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик:*

*Оиласа берилган кредитга тикув машинаси сотиб олинган, лекин мато ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун нақд пул берилмайсан.*

*Кредит ҳисобидан тикувчилик учун зарур шароит яратилган. Лекин оила аъзоси кимга нима тикиб беришни билмайди. Буюртма ийк. Режса қилинмаган.*

*Бозор талабини билмагани учун у тикиб сотувга чиқарган маҳсулотига харидор деярли топилмаган.*

*Баъзи оилалар қорамол сотиб олган, уни боқиш учун озуқа ийк ҳисоби ёки согиб олган сутини сота олмайди. Чунки қўшиниларда ҳим қора мол бор. Кўргон ёки шаҳарга олиб чиқиш харажат талаб қиласди.*

*Бозордан чорва ҳайвонлари сотиб олмоқчи, лекин кредитни нақд пулга айлантириб бўлмайди. Кредитга эса мол сотмайди ва ҳ.к. саволлар борки, барчаси жавобсиз қолмоқда.*

Мавжуд тўсиқларга кўра кредитни нақд пулга бериш масаласи кўриб чиқилганда, тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитни қай ҳолларда нақд пулда бериш мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган. Банк ходими эҳтиёжманд оиласа берган кредити ўргага муаммога айланишини билган ҳолда тадбиркорлик қилишга барча шароитни яратиб бера олмайди. Чунки низомлардаги тўсиқлар олиб ташланмаган, қора молга кредитлар фақат зотдор ва чотэлдан олиб келингандарга пул кўчириш йўли билан берилган...

Ҳар бир оиласи тадбиркор қилиш ва оила даромадини ошириш мақсадида Президентимиз 2017 йили Бухоро вилоятига қўилган ташрифлари жараёнида Ромитан тумани тажрибаси матбуотда эълон қилинди. Унга мувофиқ, қишлоқларда ем-хашак сотиш шахобчалари очилганлиги, маҳсус аравачали мотоциклларда қишлоқлардан сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йигиб кетишлари қатъий равишда қайд этилган эди!

*Мазкур тажрибани барча туманлар, яъни Республика миёсида ташкил этса бўлмасми? Чунки, юқорида таъкидланганидек, низом чекловлар олиб ташланиб, аҳолига олдиндан нақд пул берриб, уни маҳсулот етиширишга қизиқтирса бўладими? Яъни банк тизими мисолида бундан 8-10 йил олдин қабул қилинган низом ва*

тадбирларнинг амалда бўлиши шуни кўрсатдики, барча вазирлик ва идораларда иқтисодиётимизда рўй берган ўзгаришларга мос ҳолда ўз ҳукуқий-меъёрий асосларини кўриб чиқишилари ниҳоятда зарур.

Оила даромадини ошириш мақсадида “Хотин-қизлар тадбиркорлиги” дастури кўп йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда. Лекин унинг етарли эмаслиги учун ҳам 2018 йилда «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли ахолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. 2019 йилда ёшлар ва оиласаларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш масаласи кун тартибига қўйилиб, жамғарма учун 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди ҳамда 50 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш доирасида оиласий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат бањклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оиласалари қўллаб-қувватлаш жамомат фонди ҳисобидан кам таъминланган оиласаларга мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди”, – деб такидлаб, кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилганлигини ва шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани foят муҳимлигини билдирид<sup>1</sup>.

Кувончли ҳолат: «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари бўйича 2018 йилда 3 триллион сўм йўналтирилди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди. 2019 йилда «Обод қишлоқ»

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 22 июнь.

иа «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан шеър маблағ ажратилган.

Хозирги пайтда мулкни хусусийлаштириш орқали ўзаро рақо-  
пайтда мақсади юқори даромад олишга қаратилган бозор иқтисоди  
жизон ривожланишида ўзининг юқори фазасига эришиб, қонун  
устуворлигидага инсон ҳукуқлари ҳимоя қилинган ҳолда ижтимоий  
жиҳатдан оила иқтисодига катта эътибор берилмоқда.

Масалан, Скандинавия мамлакатларида (Швеция, Норвегия,  
Дания) ишсизлик учун тўланадиган нафақа мамлакатда мавжуд  
истеъмол савати нархидан ортиқча бўлиб, оиласинг ўртача ҳаёт  
даражаси таъминланмоқда. Ёки Япония “Shiseido CO.LTD” фир-  
масида ҳафтасида 5 иш куни бўлган ҳолда асосий иш вақти соат  
10:00 дан 15:00 гача, лекин ходимнинг ҳафтасига икки кун иш  
жойидан ташқарида ахборот технологиялари ёрдамида иш жо-  
нидаги асосий вазифасини бажаришига рухсат берилган. Ҳозир-  
ги пайтда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қайси-  
дир мамлакат миқёсида бундай жараён юзага чиқмаган бўлса, бу  
иқтичинчалик бўлиб, назариётчи олим К. Маркс таъкидлаганидек,  
дунё иқтисодий жиҳатдан ривожлана боргани сари ижтимоий  
тақсимот кам таъминланган оиласар фойдасига ҳал бўлади. Са-  
баиби, мулқдор кўп фойда олиш мақсадида инсоннинг ҳаёт кечи-  
ринини таъминлаб, ишлаб чиқаришда ахборот технологиялари  
ютуқларидан фойдаланиши янада афзаллашади.

Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, ҳурматли Президентимиз  
Шавкат Мирмонович Мирзиёев ҳамда Ҳукумат томонидан оила  
иқтисодини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амал-  
га оширилмоқда. Яъни улар вертикал ҳолда республика миқё-  
сида: туман ва қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ўтказилияпти. Лекин  
жойларда ташаббускорлик усуллари суст олиб борилаётганлиги,  
қили-ҳанузгача чекловларнинг мавжудлигини қайд этамиз. Го-  
ризонтал ҳолда ҳар бир оила шароити ва талаби ҳисобга олин-  
май, чора-тадбирларнинг самарали ўтказилишига тўсқинлик  
қилинмоқда. Масалан, муҳтарам Президентимиз раисликларида  
2019 йил 2 майда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ижросини  
сифатли ташкил этиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қи-  
лиш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган республика ви-  
деоселектор йиғилишида мақсадли жамғармалардан қўшимча 5

триллион сўм, умуман олганда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-кувватлаш учун ажратилган 6,2 триллион сўм ёки 700 миллион доллардан зиёд ресурслардан жойларда фойдаланиш пайсалга солинаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Юзага келган ҳолатни “...тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, пул ажратиш учун масъул бўлган раҳбарлар йил якунини кутуб ўтирибди. Оқибатда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, оиласарнинг моддий фаровонлигини яхшилаш кечикмоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидлади Республика Президенти.

Биз ҳам изланишларимиз долзарблигига кўра: “Ҳар бир хонадан тадбиркор” дастури асосида давлат ҳисобидан ажратилган маблағларни тез ва мақсадли ўзлаштириш учун банк тизимида йиғилиб қолган камчиликларни бартараф этиш зарурлигини қайд қиласиз. Масалан, банк тизими фаолиятидаги кредитни нақд пулда бериш объектларининг чегараланганилиги ва уни олдиндан тайинланган шахслардан мол сотиб олишга қўчирилиши, имтиёзли кредитлар учун қўшимча “бонус” ларнинг қўшилиши натижасида қимматлашиб кетиши каби турли чекловлар амал қилиб келмоқдаки, улар бартараф этилмаса, Президент томонидан ажратилган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашда муаммолар пайдо бўлиши давом этади.

Дарвоқе, эътиёжманд, боқувчисини йўқотган, ишлаш қобилияти бўлмаган оиласарнинг иқтисодини яхшилаш мақсадида куйидаги икки тадбирнинг бажарилиши керак деб ҳисоблаймиз. *Биринчидан, амалда ташкил этилаётган вертикал рақамли иқтисодиётни горизонтал, яъни оила иқтисоди билан мужассамлашган, бир бутун боғлиқликда яратиш ваиккинчидан, ҳар бир оила учун манзилли режа – йўл харитаси* тузиб, унинг бажарилишига маҳаллий давлат корхоналари раҳбарлари ҳамда ишбилармон мутахассислардан масъул шахслар белгиланиб, касаначилик ҳамда кластер тизимида иш ўринлари, доимий ва оила харажатларини қоплай оладиган даромад манбалари яратишнинг Давлат дастурини тузиш учун тегишли қўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш вақти етилди.

<sup>1</sup> <https://kun.uz>. “KUN.UZ” онлайн нашр

Мизикур вазифалар бир бутун мақсадга хизмат қалади. Яъни иқтиёжманнд оиласлар ўзини ўзи маблағ билан бутлаб, республикаиди оила иқтисодини бошқариш орқали рақамли иқтисодиётга ўтишни бош мақсад бўлиб ҳисобланади.

1-шакл

### Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни амалда жорий этиш тизими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИ				
ВАЗИРЛИКЛАР, ҚҮМИТАЛАР ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН МУАССАСАЛАР ЭЛЕКТРОН САЙТЛАРИ ВА ПОРТАЛЛАРИ				
Электрон түлов тизими	Электрон солиқ хизматлари тизими	Электрон божхона тизими	Электрон соғлиқни сақлаш тизими	Вазирликлар, қўмиталар ва уларга тенглаштирилган муассасалар электрон тизими
.	.	.	.	.

Ушбу шакл таркибидан маълумки, республикамизда жаҳон тақрибасига асосланиб, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг вертикаль тизими барпо этиляпти. Рақамли иқтисодиёт ягона тизим деб қаралганда, бугунги амалда яратилаётган ахборотлар технологиясидан фойдаланиш тўрт поғонадан иборат бўлиб, ягона тизимга боғланмаган. Айниқса, охирги босқичда вазирликлар, қўмиталар ва уларга тенглаштирилган муассасалар ички тармоқ манфатларидан келиб чиқиб, тизимда ахборот технологияларидан фойдаланилмоқда. Бундай шароитда, биринчидан, вазирликлар ҳукуматга ёки Президентга маълумот чиқарганда, улар олдила-ринга қўйилган вазифаларнинг бажарилганлиги юзасидан ҳисббот беришади. Натижада ҳар бир вазирлик жамият иқтисодий ривожланишидаги ўз ҳиссасини таърифлайди. Шу ҳолда Президентга ягона яқуний “Оиланинг яшаш шароити” тўғрисидаги маълумот тақдим этилмайди. Чунки жамият иқтисодий ривожланиши уму-

ман олганда, оила иқтисоди билан айни пайтда, алоҳида ҳолда эҳтиёжманд оила яшаш шароити билан тўғридан-тўғри боғланмаган. Иккинчидан, вазирликлар томонларидан бериладиган ҳисбботлар бошқа бир вазирлик ҳисбботи билан солиштирилмаган. Натижада ҳар хил бўлган рақамлардан ягона, тўғри хуласа қилиш қийин бўлмоқда. Учинчидан, келтирилган шаклдан кўринадики, тармоқ вазирликлар маълумотларининг ягона манбаси ва юқори поғонада маълумотлар жамлаб солиштириб тўғрилангандан кейин раҳбариятга киритиш ягона тизими яратилмаган. Демак, Республика иқтисодиётини мужассамлашган шаклга келтириш, уни ҳар бир хонадон, оила, айниқса, эҳтиёжманд оила ҳолати билан боғлаб кўриб чиқиш учун рақамли иқтисодиётнинг горизонтал шаклини таклиф этамиш.

Мазкур савол мезонида оила иқтисодини мукаммаллаштириш, айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб бориш сингари ҳаёт-мамот масалаларини ҳал этиш механизмини яратиш тўғрисида гапиришдан олдин, оила иқтисоди ва макроиктисодиётга салбий таъсир этаётган, аммо ечимини кутаётган муаммолар Президентимиз томонидан иқтисодиётни рақамлар билан бошқариш вазифасининг оила иқтисоди билан боғлаш зарурати ҳусусида тўхталиб, сўнгра оила механизми юзасидан ўз таклифларимизни ишлаб чиқсан, айни муддао бўларди.

## **2. Молиявий барқарорлик оила иқтисодининг асосидир**

Маълумки, оила иқтисодидаги камчилик жамият иқтисодиётига, ўз навбатида макроиктисодиётда рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатлар<sup>1</sup> эса тўғридан-тўғри ҳар биримизнинг ҳаётимизга таъсир этади. Улар тўғрисида фикр юритишдан олдин молиявий барқарорликнинг луғавий маъносига қисқача тўхталамиз. Молиявий барқарорлик масаласи энг қадимий тушунча бўлиб, унинг дастлабки кўринишлари инсонларнинг қабила-қа-

<sup>1</sup> Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, улар тўғрисида илмий ишнинг барча бўлимларида мисоллар келтириб, тушунтириб борилади.

Пила бўлиб яшашларидан бошланган. Қабила бошлиғи мавсумий қирикагатларни, яъни қайси маҳсулотлардан қанча жамғаришини қисоблаб, акс ҳолда тақчилликда умрга зиён етиши мумкинлигини аниқлаб, оиласи таъминот билан шуғулланган. Демак, миқнат тақсимоти пайдо бўлиб, қабилалар орасида товар айропонилаш бошлангандан сўнг, молиявий барқарорликка риоя қилини ҳар қандай қабилада оила фаровонлигининг асосига айланга борган.

Дироқе, жуда кўп йиллар ўтиб, номланиши ўзгарган бўлса-да, ушбу тушунча маъно жиҳатидан ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Кундиллик амалиётимизда ҳам тўловга қобилияти, яъни ликвидлиги деган тушунчаларни эшитганимизда молиявий барқарорликни тушунмаз. Демак, маъно жиҳатидан серқирра бўлган мазкур кўргаткич фанда қайта-қайта ўрганилишига зарурат пайдо бўлиб, у тикомиллашаверган.

Молиявий барқарорлик маъно жиҳатидан кенг тушунча бўлиб, илмий адабиётларда етарлича ўрганилган бўлишига қарамай, оддигда, ҳар бир илмий иш обьектига нисбатан тор ёки кенг маъно келиб ўтади. Жисмоний шахснинг у ёки бошқа билан ҳамкорликда оила ҳамда юридик шахснинг тўлов мажбуриятини бажариш даражасига “Молиявий қобилият”, деб тушунилади. Адабиётларда “молиявий қобилият” нинг синоними сифатида “тўлов қобилияти” атамаси ишлатилади. Аслида, биринчиси иккинчисига кўра кенгроқ маъно англатади ва унга иқтисодиёт фани ҳозирги пайтда илоҳида эътибор қаратмоқда.

Дарҳақиқат, молиявий қобилиятнинг доимий мавжудлиги молиявий барқарорликни англатади. Шунингдек, субъект молияниий қобилиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда молияниий барқарорликка эга эмас ёки вақтинчалик эга эмас, деб холоса чиқарилади. Ҳар қандай субъект: оддий оила бўладими ёки бутун юопли давлатми, барчасининг асосий мақсади молиявий барқарорликка эришишдир. Унга эришиш учун муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳтил қилиб, бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилади.

Молиявий барқарорликнинг бузилиш сабаблари ҳам илмий адабиётларда турлича гурухланган. Олимлар томонидан маъқулланган ички ва ташқи омилларга тўхталиб, ривожланиш

босқичларини таҳлилий жиҳатдан ўрганамиз. Демак уларни бартараф этиш йўлларини кўриб чиқишни тўғри, деб хуласа чиқарамиз. Одатда, ички ривожланиш сабабларига эътиборни қаратиб, ташқи сабаблар иккиласи барқарорлигига салбий таъсир этувчи ички камчиликларга тўхталган эдик. Бундай камчиликлар барча оилаларда бўлмай, алоҳида ва нисбатан эҳтиёжманд оиласаларга тегишилдири. Шунинг учун оила иқтисодига *акс таъсир этувчи ташқи омилларга кенг тўхталиш мақсадга мувофиқ*.

Амалий фаолият ва илмий изланишларимиздан маълумки, ташқи омиллар молиявий ҳолатнинг бузилишига асосий сабаб бўлади. Чунки фаолиятимиз давомида ташқи сабаблар қачон ва қайси тарзда юзага келишини билмаган ҳолда барқарорлигимизни йўқотсан, уни тиклаш учун жуда кўп вақт кетиши мумкин. Дарвоҳе, жамият иқтисодиётига содир бўладиган ҳар қандай салбий воқелик оила иқтисодига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, маош оладиган корхонамизнинг иши юришмай, ойлигимизни бермади ёки унинг даражасини камайтирди; корхонада янги ва ишчи кучи кам талаб этиладиган технология жорий қилиниб, ходимлар сонини қисқартирди; ёш ва малакали ходимни ишга олган ҳолда ёши катта ва малакаси паст ходим ишдан бўшатилди. Айтиш, жоизки, бу бозор иқтисодиётига хос салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Яъни иш берувчи – мулк эгаси ўзи юқори даромад олиши учун ёлланиб ишловчи ходимлар таркибини саралаб туради. Ҳар бир оила аъзоси шундай ҳолатларга тушиб қолмаслиги учун ишга меҳр бериб, юқори савияга эга бўлиши кераклигини барчамиз тушунишимиз шарт ва заруратдан келиб чиқади. Яъни бозор иқтисодиёти кам маблағ сарфлаб, юқори даромад олишга қаратилганлиги учун ҳаммага ҳам иш ўринлари етавермайди. Демак, давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда айни пайтда ўз иш жойларимизни яратишимиз ва ўзимиз мулк эгаси бўлишимиз керак! Ҳар бир ишга лаёқатли инсон учун даромад манбаини яратиб бериш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан тизимли равишда тадбирлар олиб борилмоқда ва улкан ижобий натижалар кўлга киритилаётir.

*Оила иқтисодига салбий таъсир этувчи ташқи омиллар борки, уларни мутахассислар яхши билишади.* Кенг қўламли китобхонла-

**ЖИМИШИНГ** тушунишлари учун мутахассис ходимларнинг гурунгигиши ташкил этдик. Даврада **бюджет ташкилоти ва давлат мулки-ти** қиравшли бўлган йирик корхона раҳбарлари, иши юришиб, шиғори даромадга эга бўлган ишбиларман, ўз хусусий ишини биноплаганига 2-3 йил бўлган тадбиркор ҳамда энди иш бошлаган **Кичик бизнес** намояндаси ва уларга хизмат кўрсатувчи банк раҳбирашлари ўтиришибди. Гурунг Кичик бизнесменнинг Ишбилармонга саноат бериши билан бошланди:

*Сиз ҳам банкдан кредит олганмисиз? Мен кредит сўрасам, банк чиними тулимиз йўқ, деб жавоб берди. Банкда ҳам пул бўлмайдими, иннир?*

Банкдан кредит олганман. Қийинчиликлар бўлган. Шунинг учун тадбиркорликни оддий дафтар-қалам сотишдан бошлаб, пул қаржалатини қаттиқ назорат қилиб, йигилган маблағимизни кўлимида сақлаб, дастлаб ижарага магазин олдик, ҳокимиятдан тенденцияларсида ер олиб, магазин қурдик. Магазинимизнинг ярмини арендулага бердик. Қофоз кесувчи дастгоҳ олиб, қофозни ўзимиз келиб, начкалаб сотдик ва ҳоказо...

Юрганбосимизнинг сатьй-ҳаракатлари билан банклардан кредит олини бугун яхши йўлга тушди. Шукр қилиб, ўзингиз пул йиғиб, шинлайтиб туринг. Банкка маблағ тушса, албатта, кредит беради.

*Барабир, тушунмадим. Банкда пул бўлмаслиги мумкинми?*

**Ишбилармон:**

Мумкин. Банкдаги пуллар шу даврада ўтирганларнинг пуллари. Сўраб кўрайлик, кимнинг маблағи банкда қанчагача сақланади? Масалан, менинг маблағларим йил давомида ўртача 7-10 кун биникда сақланади. Умуман ишбилармон маблағини ҳаракатда ушлайди. Маблағ ҳаракатдан тўхтаса, даромад камаяди. Бу – бизнесининг олтин тамойили!

**Бюджет ташкилоти раҳбари:**

Биласиз, бизни туман ғазначилиги қачон молиялаштиради? Уларда маблағ бўлса, чорак охирида ёки кейинги чорак бошлинишида ҳисоб рақамимизга ўтказиб беради. Шундай вақтлар бўладики, охирги муддатгача маблағ тушмаслиги мумкин.

**Ишбилармон:**

Демак, маблағингиз неча кун банкда қолади?

**Бюджет ташкилоти раҳбари:**

– Ҳақиқатан ҳам масаланинг бу томонига эътибор бермаган эканман. Ҳозир гапириб турганингизда ҳисобласам, бир ойда 100 фоиз маблағдан 40 фоизгачаси банкда доимий туради.

*Йирик корхона раҳбари:*

– Менинг корхонам давлатга қарашли бўлгани билан ўзимиз ишлаб даромад топишимиз керак. Шунинг учун маблағдан тадбиркордай фойдаланаман. Асосан хом ашё ва эҳтиёт қисмларни захирада сақлайман. Корхонамиз пули кўпроқ банкда эмас, балки дебиторларимизда (маҳсулот олиб, пулинин тўламаган) туради. Баъзан маҳсулотни жўнатаман-у, лекин пулинин ўз вақтида ооломайман.

*Ишбилармон:*

– Кечирасиз, дебиторларингиз қанча суммани ташкил этади?

*Йирик корхона раҳбари:*

– Аввало, Президентимизга раҳмат! 2018 йил апрель ойидан бошлаб бу камчиликни бартараф этиш анча йўлга кўйилди. Олдинги йиллар оборотимиздаги маблағнинг 35-40 фоизи банк кредитлари эди. Бугун ўзимиздан ошган пулларимиз йил давомида 5-8 фоиз атрофида банкда сақланади. Лекин шу миқдордан ошса, банк билан келишиб фоизга, депозитга қўямиз. Биз ҳам фойда учун ишлаймизда.

*Бироз муҳокамадан сўнг банк ходими суҳбатга аралашди:*

– Кичик корхона очган ука. Тўғри айтдингиз, ҳақиқатда пул йўқ эди. Лекин бу дегани банкда умуман пул йўқ дегани эмас. Тўғри тушунинг. Банк ишлаб турган пайтда юзлаб амалиёт бажариладики, бундай ҳолатда пул тушуши ва чиқиши ҳам мумкин. Биз, асосан, мижоз пули асосида ишлаймиз. Ишбилармон акага раҳмат. Юқорида кимнинг пули банкда қанча туриб қолишини эшитдингиз. Мен банкда сақланиши мумкин бўлган пулларни ҳисоблаб чиқдим. Ҳаммаси бўлиб ўртacha ой давомида 500 млн сўм маблағ сақланиши мумкин. Бу, асосан, бюджет пули – 300-320 млн. сўмни ташкил этади. Давлат тасарруфидаги корхона – энг катта мижозимиз ҳисоб рақамида нари борса 80-100 млн. сўм маблағ сақланади. Тўғрими, акалар?

Улар бир овоздан, тўғри, деб жавоб қайтаришди.

– Мана, кўрдингизми? Сиз фикримнинг давомини эшитинг. Банкда 500 млн. сўм йиғилса-да, биз 4 млрд. сўм кредит берган-

**миз. Қандай қилиб? Кредит бериш учун мижозларнинг шули отирили бўлиши керак. Афсуски, муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига багишланган тантанали йиғилишда<sup>1</sup> республика бўйича берилган кредитларнинг 44 фоизи мижозлардан йиғилган пуллардан берилганинига айтган бўлсалар, ушбу кўрсаткич Қозогистон Республикасида 123 фоизни, Россия Федерациясида 96 фоизни ташкил этиши ва иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида 100 фоиздан юқори эканлиги икки нарсадан далолат беради: *муомалада пулнинг озлиги ва аҳолининг банкка бўлган ишончининг сустлиги.***

Гапнинг индалосини айтганда, оила иқтисоди билан юқоридаги таҳдилимиз қандай боғлиқлигини санаб ўтишдан олдин, "Муомалада пул массаси оз", деган хulosани асослаб ўтсак. 2018 йилда ялпи ички маҳсулот 407,5 трлн. сўм атрофида бўлганда, тижорат банкларининг кредит портфели 167 трлн. сўм ва банклардаги депозит ва омонатлар миқдори 70 трлн. сўмни ташкил этди. Демак, жами кредит портфелининг 41 фоизини аҳоли омонатлари ва корхона ташкилотларининг ҳисоб рақамларидаги пуллар ташкил этди. Колган 59 фоизи кредит тижорат банкларининг ўз маблағлари (жами кредит қолдиги 10 фоиздан ошмайди) ва давлат томонидан берилган маблағлардир. Бу нисбатан яратилган ялпи маҳсулотнинг 41 фоизга яқини банк кредитлари ҳисобига тўғри келиб, унинг ҳам 50 фоизга яқини давлат маблағларидан берилган. Демак, муомаладаги инфляция ҳисобга олинганда ЯИМга нисбатан 20 фоизга яқин пул массаси бўлиб<sup>2</sup>, ундан ҳам маълум қисми банқдан ташқари айланмада юради. Кредит бериш ҳамда корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этишда маблағ етишмаслиги натижасидаги камчиликлар иқтисодиётга салбий таъсир этмоқда.

Муомалада пул массасининг камлиги натижасида пайдо бўлган ўзаро қарздорликлар масаласи 28 йил ичидаги муайян даражада муаммога айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти корхона ва ташкилотларнинг ўзаро қарздорликлари иқтисодиёт тараққиётига тўғаноқ бўлиб тургани ҳақида 2018 йил 17 апрелда иқтисо-

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2018 йил, 10 декабрь

<sup>2</sup> <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки интернет сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

диёт комплекси ҳамда йирик ташкилотлар раҳбарлари иштирокида жамиятда ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб,<sup>1</sup> зарурий тадбирлар белгилаб олинди. Эски қарзлар оёғимизга тушов бўлиб туришини тушунган ҳукуматимиз қатор тадбирлар ўтказди. Жумладан, 14 триллион сўм қаздорликлар бюджет ссудалари орқали ҳисобдан чиқарилганлиги Президент хузурида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлиги пул маблағларини ўз вақтида эгасига етиб бориши ҳамда тўғридан-тўғри боғлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда, эскича яшаб бўймаслиги ва ҳар бир раҳбар ўз тизимида ҳисоб-китобларнинг ҳолатига қатъиян жавобгарлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳурматли Президентимизнинг, “...иқтисодиёт тармоқларида пул оқими самарасиз бошқарилганлиги ва номутаносиб тақсимланганлиги оқибатида қарздорлик ҳолатлари қўпайиб кетган”, деб айтган фикрлари таклифимизни асослайди. Республикада пул оқими ва ҳисоб-китобларнинг ягона баланси бўлган ҳолда қайсиdir тармоқда тўловнинг ўтказилмай қолиши айнан иқтисодиётда пулнинг самарасиз бошқарилишини тасдиқлайди. Оила иқтисодини, жумладан, эҳтиёжманд оиласларни пул орқали бошқаришда электр энергияси, табиий газ, солиқ ва бошқа барча коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши асосий барометр бўлиб ҳисобланади. Жамият миқёсида ўтказилаётган ислоҳотларнинг мақсадлиларини оила молиявий барқарорлигига қаратиб, муомаладаги пулни самарали бошқариш орқали инфляцияни пасайтириш ҳамда бюджет даромадини ошириш эвазига, яъни айни пайтда “Оила мажбуриятларини қоплашга қўмаклашиш жамғармаси”ни тузиш ҳамда оиласнинг тенг даромадлиларини ошириб бориш тадбирларини ўтказиш жараёнида тўлов мажбуриятларини мазкур жамғарма ҳисобидан қоплаб, республика миқёсида ўзаро қарздорликлар пайдо бўлишининг бошланғич сабаблари – уни оиласда бартараф қилиш орқали иқтисодиётни рақамлар билан бошқариш концепсиясини ишлаб чиқиши илмий ишнинг мужассамлашган ва мукаммал мақсади бўлиб, давлат ва жамият манфаати устувор бўлиб қолади. Шунингдек, муаллифларнинг хуроса ва таклифлари Ўзбекистон

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2018 йил 18 апрель.

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидағи “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади, агар аёл, она баҳтли бўлса, оила баҳтли бўлади, оила баҳтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади!”<sup>1</sup>, – деган фикрлари амалга ошишига хизмат қиласади.



---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 22 июнь.

## **II БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

### **2.1. Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг зарурий шартлари**

Инсоният глобал ривожланишда. Ҳаёт қун сайин ўзгармоқда. Ахборотлар технологияси ҳар бир оиласа кириб келди. Барча жабхаларда рақамлар пешқадам. Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида иқтисодий шартномалар смарт-контракт тизимиға ўтиб, турли виртуаль пуллар – крипто-активлар кенг жорий этилмоқда. Янги-янги технологияларнинг пайдо бўлиши эса бутун иқтисодиётни рақамлар билан бошқаришга йўл очмоқда. Буни биз, айниқса, РФ кўришимиз мумкин. Россия Федерацияси президенти В. В. Путин 2018 йил 15 июнда ўтказилган тўғридан-тўғри мулоқот жараёнида берилган саволга: *«...без цифровой экономики мы не сможем перейти к следующему технологическому укладу, а без этого перехода к новому технологическому укладу в Российской экономике, а значит в стране, нет будущего. Поэтому это задача номер один в сфере экономики, которую мы должны решить»,* – деб жавоб берди.

Дунё технологик жараёnlаридан орқада қолиш ҳар қандай жамиятни тутқунлиқка олиб келади. Мамлакат жаҳоннинг хом-ашё базаси ва иш кучи бозорига айланади. Шундай оқибатларнинг олдини олиш учун давлатимиз раҳбари 2018 йил 3 июля «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарорга имзо чекди. Унга кўра, жамиятимизнинг кўплаб иқтисодий тармоқларини рақамли бошқариш сиёсати қонунийлаштирилди ва мазкур вазифаларнинг кенг ривожлантирилишига асос яратилди. Шунингдек, Президентимизнинг жамиятни рақамли бошқариш шарт-шароитларини яратиш ҳамда жорий қилиш тадбирлари юзасидан 2018 йил 2 сентябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш” рақамли ишонч” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида крепто-биржалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ва 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани

ицада модернизация қилиш чора-тадбирлари түғрисида"ғи қарорлари қабул қилинди. Улар асосида мутасадди ташкилот қилиб тайинланган Президент хузуридаги Лойиха бошқарув миллий лгентлиги (НАПУ) чора-тадбирлар тузиб, республикада Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни күллаб- қувватлаш учун "Рақамли ишонч" жамғармасини ташкил этди.

Күплаб тарақкый қилған давлатларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш күлланилаётган бўлса-да, уларнинг бирортасида юртимиздаги каби бундай тизимли амалиёт тўлиқ йўлга қўйилмаган. Бу жуда мураккаб ва катта куч талаб этадиган тизим эканлигини эътироф этимиз. Рақамли иқтисодиётни кўпчилик электрон савдо деб тушунади. Аммо ундан эмас. У бутун иқтисодиётнинг маълумот базасини яратиб, марказлашган ҳолда бошқариш тизими ҳисобланади. Дунё мамлакатлари рақамли иқтисодиётни жорий этиш йўлини танлашмоқда. Шу боис ҳам таникли иқтисодчилар ҳар қандай мамлакатнинг истиқболли келажаги рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ бўлади, деб ҳисоблашади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш моҳияти ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ўзак мақсадини белгилайди. Ривожланган давлатларда мақсад: қандай йўл билан бўлмасин, бойлик ортишига қаратилган. Натижада жамият табақаланиб, ўта бой ва камбағалларга ажралади. Қолган қисми эса ҳаёт кечириш учун баҳолу кудрат яшайди...

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзак мақсади фуқароларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, ижтимоий аҳволини ўнглаш ҳамда фаровонлигини оширишга қаратилган. Демак, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарор ва фармонларига кўра йўлга қўйилаётган ҳар бир оиласинг тадбиркор бўлиши, яъни ёшлар, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар, томорқа эгаларига ажратилаётган кредитлар – буларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги ҳамда иқтисодиётимизнинг ривожи учун амалга оширилмоқда. Зотан, муҳтарам Президентимиз таъкидига биноан халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Даромадимиз қанча ошса, тўлайдиган солиғимиз, демак, давлат бюджетига кирим ҳам шунча ортади.

Бизнингча, ҳозирги шиддатли туб бурилиш палласида демократик ислоҳотларнинг барчасини бир тизимга солиш, марказлаш-

## **МУНДАРИЖА**

<b>Муқаддима .....</b>	<b>3</b>
<b>Оилавий инновацион лойиҳаларга оқ йўл.....</b>	<b>7</b>
<b>I. БОБ. ОИЛА ИҚТИСОДИ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ .....</b>	<b>11</b>
1. Оила иқтисоди ва унга таъсир этувчи омиллар .....	11
2. Молиявий барқарорлик оила иқтисодининг асосидир .....	20
<b>II БОБ. РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ .....</b>	<b>28</b>
2.1. Раҷамили иқтисодиётга ўтишнинг зарурӣ шартлари.....	28
2.2. Инновацион лойиҳалар – раҷамили иқтисодиётнинг молиявий асоси .....	37
<b>III БОБ. ОИЛА ИҚТИСОДИНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....</b>	<b>48</b>
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>69</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>74</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>101</b>

Нашриёт лицензияси АI № 266, 15.07.2015 й.

30.07.2019-йилда босишига рухсат этилди.

Қоғоз бичими  $60 \times 84 \frac{1}{16}$ . «Cambria» гарнитураси.

Кегли 11. Шартли босма табоги 6,75.

Адади 100 нусха. Буюртма рақами № 16. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриётида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.